

# БАНАЖВОРОДНОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда


№ 44 (546) 2006 йил 1 ноябр

## БАНК ТИЗИМИ 9 ОЙ МОБАЙНИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида республика банк тизимининг жорий йилнинг ўтган январ-сентябр ойларидаги фаолияти яқунлари, халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида белгилаб берилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 9 ойлик яқунлари бўйича ўтказилган йиғилишда банк тизими олдида қўйилган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Тадбирда қайд этилдики, ҳисобот даврида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капитали, активлари ва кредит қўйилмаларининг ортиб бориши учун пухта замин яратилди.



Хусусан, банкларнинг активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,8 фоизга ошди.

Банкларнинг ялпи капитали ҳам 15,9 фоизга ортди.

Тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматла-

ри турларининг кенгайтирилиши ва аҳолига қулай омонат турларининг таклиф этилаётгани натижасида шу йилнинг 9 ойида аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 мартага ошди, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 640 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсат-



к кич фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи янада ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг замонавий турларидан бири ҳисобланган пластик карточкалардан фойдаланишни оммавийлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Тақ-

қослаш учун шуни қайд этиш мумкинки, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2002 йилда 77,7 минг донани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 3 млн.донадан ошиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

## Бу сонда:

4

Кадрлар сиёсати: Банк молия академиясида янги ўқув курслари

6

Кредит хатарларини самарали бошқариш масалалари

7

Ривожланишнинг янги босқичи сари

## Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 31 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	948,78
1 Англия фунт стерлинги	2338,42
1 Дания кронаси	210,54
1 БАА дирхами	335,58
1 АҚШ доллари	1232,50
1 Миср фунти	215,28
1 Исландия кронаси	17,85
1 Канада доллари	1102,02
1 Хитой юани	156,50
1 Кувайт динари	4262,20
1 Россия рубли	46,01
1 Украина гривнаси	244,06
100 Ливан фунти	81,55
1 Малайзия ринггити	338,74
1 Норвегия кронаси	188,64
1 Польша злотиси	404,85
1 Сингапур доллари	790,82
1 СДР	1821,50
1 Туркия лираси	854,12
1 Швеция кронаси	170,28
1 Швейцария франки	987,11
1 ЕВРО	1568,60
10 Жанубий Корея вони	13,06
10 Япония иенаси	105,10

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## БАНК ВА МИЖОЗ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Бунда албатта, тижорат банкларининг роли катта бўлиб, улар молиявий ҳамкор сифатида ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бево-сита банклар томонидан кўрсатилаётган бундай ёрдам мамлакатимизда нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг кенгайишига хизмат қилмоқда, балки шу орқали кўшимча иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг муайян қисмининг иш билан таъминланишига ҳам замин яратмоқда.

Хусусан, жорий йилда акциядорлик тижорат "Пахта Банк" томонидан мазкур соҳаларни ривожлантириш учун ажратилган микрокредитлар қолдиғи 2006 йил 1 октябр ҳолатига 60 млрд. 571,3 млн. сўмни ташкил этиб, уларнинг катта қисми (56 фоиз) қишлоқ хўжалиги тармоғини кенгайтириш учун берилган. Шунингдек, микрокредитлар миқдорининг 22 фоизи саноатга, 12 фоизи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун, 8 фоизи

айланма маблағларни тўлдиришга ҳамда қолган қисми бошқа тармоқларни қўллаб-қувватлашга тақсимланган.

"Пахта Банк" томонидан хусусий тадбиркорларга кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг самарадорлигини мазкур банкнинг Андижон ва Хоразм вилоят филиаллари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Хусусан, банкнинг Андижон вилоят филиали мижозлари орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва

маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш учун банкдан кредит олиб ижобий натижаларга эришаётган тадбиркорлар талайгина. Жумладан, Чинобод филиали мижози бўлган "Shahrihon Milk" хусусий фирмаси жорий йилда банкдан 10 млн. сўм миқдоридан кредит олиб, аҳолига творог, сметана каби сут маҳсулотларини етказиб бермоқда. Жами ўндан ортиқ ишчи кучини иш билан таъминлаган ушбу корxonанинг иш ҳажми айна пайтда банкдан олган кредит эвазига 2,5 бараварга ошган.

Шунингдек, "Идрок" хусусий фирмасининг ҳам (Олтинкўл филиали мижози) маҳсулот етиштириш ҳажми бево-сита "Пахта Банк" томонидан берилган кредит туфайли 3,5 бараварга кўтарилган. Бу корхона асосан эркаклар кийим-кечаклари ва кўрпа-ёстиқлар тайёрлаш ва сотишга ихтисослашган. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, 2005 йилда 3 йил муддатга кредит олган мазкур корхона эришаётган ютуқлар эвазига банкдан олган қарзини муддатидан олдин тўлашни режалаштирган.

(Давоми 2-бетда).

## ИНФОКИОСҚЛАР: ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш тизими жорий этила бошлаганидан бери республикада улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун жуда катта иш қилинди. 3 млн. дондан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди, 12 мингдан ортиқ савдо-сервис корxonаси савдо терминаллари билан жиҳозланди. Аҳолининг пластик карточкаларга ишончи кун сайин ортиб бормоқда. Фойдаланиш қулайлиги, пул жамғариш мумкинлиги, фоизлар ёзилиб бориши – буларнинг ҳаммаси пластик карточкаларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий ва нуфузли воситаси даражасига кўтармоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланиш тўғрисида 2006 йил 3 августда республикада Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-433-сонли Қарори чиқди. Бу қарор нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришнинг янги сифат босқичи бўлди. Республика ҳудудида пластик карточкалар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун банкларнинг микропроцессор пластик кар-

точкаларини ва тўлов терминаллари ишлаб чиқарадиган корxonалар зарур хом ашё, сарфлаш ва бутлаш материалларини, дастурий таъминот ва лицензияларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини тўлашдан 2010 йил 1 январга қадар озод қилинади. Чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва ишончлилиги даражаси карточкаларни сохталаштиришга имкон бермайдиган юқори даражали химия таъминланган тақдирдагина белгиланади.


(Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 31 октябр ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1237,00	1239,00	1566,32	1589,00
"Асака" банки	1237,00	1239,00	1569,50	1575,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1237,00	1239,00	1569,00	1579,00
"Пахта Банк"	1237,00	1239,00	1574,00	1577,00
"Халқ банк"и	1237,00	1239,00	1566,00	1579,00
"Ипотекабанк"	1237,00	1239,00	1570,00	1580,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1237,00	1238,00	1571,00	1573,00
"UzKDBбанк"	1233,00	1239,00	1568,00	1591,00
"Фаллабанк"	1237,00	1239,00	1569,00	1574,00
"Трастбанк"	1237,00	1239,00	1569,00	1579,00
"Алп Жамол банк"	1237,00	1239,00	1570,00	1577,00
"Алокабанк"	1237,00	1239,00	1568,70	1592,40
"У-Т банк"	1237,00	1239,00	1572,00	1592,00
"Туронбанк"	1237,00	1239,00	1570,00	1575,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1237,00	1239,00	1570,00	1585,00
"Ипак йўли" банки	1237,00	1239,00	1574,33	1576,87
"Микрокредитбанк"	1237,00	1239,00	1574,00	1577,00
"Туркистон" банк	1237,00	1239,00	1550,00	1575,00
"Даврбанк"	1237,00	1239,00	1570,00	1585,00
"Кредит-Стандарт" банки	1237,00	1239,00	1569,00	1590,00
"Капитал банк"	1237,00	1239,00	1568,10	1591,00
"Содерат банк"	1237,00	1239,00	1569,00	1589,00
"Хамкорбанк"	1237,00	1239,00	1569,00	1589,00
"Универсалбанк"	1237,00	1239,00	1574,00	1576,00
"Парвинабанк"	1237,00	1239,00	1570,00	1573,00





## БАНК ТИЗИМИ 9 ОЙ МОБАЙНИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).



Ўтган даврда банклар томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда деҳқон-фермер ва ширкат ҳўжалиklarини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,5 фоизга ошиб, 976,1 млрд.сўмини ташкил этди.



Хисобот даврида банклар томонидан касаначиликни ривожлантириш, айниқса хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилишини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу мақсадлар учун аж-



ратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 73 фоизга ошиб, жо-

рий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 29,9 млрд.сўмини ташкил этди.

Шу билан бирга банклар ўртасида рақобатни кучайтириш ҳамда мижозларга қўлайликлар яратиш мақсадида мини-банклар тармоғини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Агар 2002 йилда минибанклар сони 286 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 1787 тага етди.



Мажлисида банк тизими фаолиятида мавжуд имкониятлардан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётгани кескин танқид қилинди.

Шунингдек, мажлисида жорий йилни муваффақиятли якунлаш учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, мазкур устувор вазифалар - қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш, инфляция даражасининг белгиланган кўрсаткичлардан ошиб кетмаслигини таъминлаш, мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги нақд пулларнинг ҳеч қандай чекловларсиз берилишини таъминлаш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборатлиги белгилаб берилди.

Шунингдек, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, аҳолининг харид талабини ва фаровонлигини ошириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кўпайтириш, кичик бизнес, фермер ва деҳқон ҳўжалиklарини ҳамда касаначиликни молиявий қўллаб-қувватлаш, бунда берилаётган кредитларнинг кафолатланганлиги ва гаров таъминотининг мавжудлигига алоҳида эътибор бериш, вазифаси топширилди.

Мажлисида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **Марказий банк Матбуот хизмати.**

## БАНК ВА МИЖОЗ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий услубда келинлик либосларини тикиб, аҳолининг яхши кунларида хизмат қилиб келаётган "Зулфия Севинч" хусусий фирмаси эса, "Пахта Банк"нинг Хоразм вилоят филиали мижозларидан бири бўлади. Корхона жорий йилда банкдан 6 млн. сўм миқдоридан қарз олиб, 12 нафар хотин-қизларга келинлик либосларини тикиш учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Умуман "Пахта Банк"нинг Хоразм вилоят бошқармасига ажратилган жами кредитлар қолдиғи 3 млрд 118,4

млн. сўмини ташкил этиб, асосан қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишловчи корхоналарга йўналтирилган. Хусусан, банкнинг Урганч филиали мижози бўлган "Ваҳоб агро-сервис" масъулияти чекланган жамияти аҳолини мунтазам равишда томат пастаси билан таъминлаб келмоқда. Мазкур корхона ўз иш фаолиятини кенгайтириш учун жорий йилда банкдан 50 млн. сўм миқдоридан кредит олиб, 50 нафарга яқин йигит-қизларни иш билан таъминлашга муваффақ бўлди.

**Назира МАВЛОҒОВА.**

## ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Яқинда Ўзбекистон банклар ассоциациясида акциядорлик-тижорат "Микрокредитбанк"нинг жорий йилнинг ўтган 9 ойидаги иқтисодий фаолияти якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда ўтказилган мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисида Марказий банк, банклар ассоциацияси ҳамда "Микрокредитбанк"нинг вилоят ва туман бўлимларидан келган мутаассадди вакиллар иштирок этишди. Унда банк томонидан олиб борилган ишлар, шунингдек мижозлар учун яратилган кенг имкониятлар, очилган янги хизмат турлари юзасидан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатигача бўлган ҳисоботи тингланди.

Шу йилнинг 5 май куни Президентимиз томонидан имзоланган "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 6 май куни Вазирлар Маҳкамасининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кучга киргандан сўнг ушбу банк хизматларини мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб юқори савияда ташкил этилиши кенг йўлга қўйилди. Унга кўра, мазкур ташкилот ўз ишини аввало, турли жамоатчилик ташкилотлари, жумладан Ўзбекистон банклар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва мавжуд молия институтлари билан ҳамкорликда олиб борди. Бунда эътибор кўпроқ кадрлар масаласига қаратилиб, улар учун махсус семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, банк мохир ишбилармон ва тадбиркорлар доираларига кириб бориш мақсадида республика Хотин-қизлар кўми-

таси, Марказий банк ва Садо-саноат палатаси вакиллари билан жойларда учрашувлар ўтказди.

Йиғилишда таъкидланишича, АТ "Микрокредитбанк"нинг бугунги кунда 75 та филиали, 230 та мини-банк ҳамда 20 га яқин банк агентлиги мавжуд бўлиб, улар жами 60 мингдан ортиқ мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк устав капитали шакллантирилганидан кейин ўтган давр мобайнида филиал ва мини-банклар орқали 7712 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон ҳўжалиklарига 12 млрд. 670,7 млн. сўм миқдоридан микросармоялар ажратилиб, 1 млрд. сўмга яқин микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, мажлиси мобайнида "Микрокредитбанк"нинг фаолият дастури баъзи вилоятларда намунадагидек бажарилмаётганлиги тўғрисида ҳам муҳокама қилиб ўтди. Унда Қарақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах ҳамда Наманган вилоятларидаги филиаллар фаолияти кескин танқид қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнгида микрокредитлаш ишларини юқори савияга кўтариш, йилнинг охириги чогада янги хизмат турларини жорий қилиш ва келгуси йил учун устувор режалар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

**Зарина УСМОНОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг пластик карточкалардан фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш учун шароит яратилди. Жумладан, 2006 йил 1 октябрдан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) пластик карточкалардан фойдаланиб ҳақ тўланган хизматлар ҳажмидан даромад (фойда) солигини ёки ягона солиқ тўловини амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Савдо-сервис корхоналарида хилма-хил рағбатлантирувчи дисконт ва бонус лойиҳаларининг жорий этилиши муҳим ҳодиса бўлиб, улар пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони кўпайишига ёрдам бермоқда. Шунинг асосида товарлар ва хизматлар ҳақини пластик карточкалар воситасида тўлаш чоғида совғалар бериш юзасидан хилма-хил лоялти ва дисконт схемалари ишлаб чиқилмоқда ҳамда уларни савдо-сервис корхоналарида жорий этиш чоралари кўрилмоқда. Жорий этилаётган дисконт дастурлари товар харид қилиш ёки муайян хизматлар гуруҳини олиш чоғида харажатларни камайитириш имконини беради. Кўпгина ҳолларда дисконт картадан фойдаланиш унинг эгасига бир қатор молиявий афзалликлар беради. Масалан, анча йирик суммага бепул сугурта қилдириш ёки аэропортларда VIP-залларга кириш имконини беради. Савдо ва сервис корхоналарининг дисконт дастурида қатнашиши уларга сотиш ҳажмларини ошириш ва маблағлар айланишини тезлаштириш ҳисобига, мижозлар умумий оқими кўпайиши ва харидорларга сервис хизматлари кўрсатишнинг дунё миқёсидаги андозаларига яқинлашиш ҳисобига ўз фойдасини кўпайитириш имконини беради.

Тижорат банкларига манфаатдор ташкилот ва корхоналар билан бирга 2006-2007 йиллар мобайнида оммавий тарзда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш электрон тўлов-маълумот терминалларидан иборат кенг тармоқни барпо этишни тавсия қилиш пластик карточкаларни қўллашни ривожлантиришнинг янги, сифатли омиллиги айланиб бормоқда. Бундай терминаллар пластик карталардан фойдаланиб тўловларни туну кун автомат тартибда амалга ошириш имконини беради.

## ИНФОКИОСҚЛАР: ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тўлов-маълумот терминаллари бир зумда пул жўнатиш ҳамда маълумотномалар ва ҳар хил ахборот бериш учун ишончли тизимдир. Тўлов-маълумот терминаллари бутун дунёда турли-туман вазифаларни бажариш учун қўлланилмоқда. Бундай терминалларни яратиш улардан ўз фаолиятида фойдаланадиган компанияларга хизматлар доирасини анча кенгайтириш, сервис даражасини ошириш, қўшимча мижозлар жалб этиш имконини беради.

Бундай инфокиосқлардан турли соҳаларда, чунинчи: чакана савдо, меҳмонхона бизнеси, транспорт, тиббиёт, музейлар, аэропортлар ва вокзалларда чипта сотиш пунктлари ва маълумотномалар бериш тизимлари, кўнгил очиш мажмуалари ва шу кабиларда фойдаланилмоқда. Тўлов-маълумот терминаллари ёрдамида мижозлар уяли операторлари хизмати-га ҳақ тўлашлари, коммунал тўловларни, уй телефони, кабел телевидениеси учун, Интернетдан фойдаланиш хизматлари учун ҳақ тўлашлари мумкин.

Чакана савдода инфокиосқлардан мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатишни, товар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ахборот бериш имкониятини, ҳақ тўлашда қўлайликни таъминлаш учун фойдаланилади. Мижозлар савдо залига қўйилмаган, аммо ҳозирги дамда ё омборда ёки бошқа дўконда бўлган товарларга буюртма беришлари мумкин.

Меҳмонхоналарда ахборот терминаллари-дан ўз мижозларига ахборот хизматлари кўрсатиш, мижозлар билан ходимлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш учун фойдаланилади. Инфокиосқлардан фойдаланиш тайёргарлиги бўлмаган мижозларда қийинчилик туғдирмайди ва тил билмаслик билан боғлиқ тўсиқни енгишга ёрдам беради.

Ахборот терминалларини музейларнинг кассаларида ўрнатиш музейга келувчиларга чипта сотиб олишдан олдин музей ҳақидаги,

унинг ишлаш вақти, келувчиларни қизиқтирган кўргазмалар ҳақидаги ахборот билан танишиб чиқиш имконини беради.

Инфокиосқлар аэропортларда ва темир йўл вокзалларида чипталар сотишда кенг қўлланилади. У орқали йўловчи рўйхатдан ўтиши, чипта харид қилишни расмийлаштириши, транспортнинг ҳаракат жадвали билан танишиши ва ўзи учун энг қўлай сафар варианты-ни танлаб олиши мумкин.

Тўлов-маълумот терминалларини давлат муассасаларида ўрнатиш келувчилар ўзларига керакли ахборотни олишларини тезлаштиради. Келувчи ўзига керакли ахборотни қидиради экан, кўрсатилган хизматлар учун зарур суммани шу ернинг ўзидаёқ терминал ёрдамида тўлаш имконига эга бўлади.


Оддий фойдаланувчилар ўзларига ўзлари хизмат кўрсатадиган тўлов-маълумот терминалларини ишлатишлари осон. Улардан фойдаланиш учун ҳеч қандай махсус тайёргарлик талаб қилинмайди. Керакли ахборотнинг ҳаммаси экранда кўринади. Бунда фойдаланувчи тугмаларни босиб ёрдамида ўзига керакли операцияни амалга ошириши мумкин.

Инфокиосқ мижозларга ўз ҳисобварақлари билан мустакил ишлаш, пул тўлаш ва ўз маблағларини нақд пулга айлантириш имконини беради. Одатда, ахборот терминаллари махсус принтерлар билан хизматлар бўладики, бу фойдаланувчига ўзига керакли ахборотни қоғозга чиқариб олиш имконини беради.

Ўзбекистонда «UZKART» Банклараро тўлов тизими ташкил этилиши туфайли шунга ўхшаш замонавий ахборот бериш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимларини жорий этиш имконияти туғилди. Бу тизим сўм пластик карточкаларини муомалага чиқардиган 18 та тижорат банкни бирлаштириш имконини берди. Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида Ягона умумреспублика

процессинг маркази ташкил этилган. Ушбу марказнинг ташкил этилиши муайян банк ёки пластик карточка эгасига қайси банк хизмат кўрсатишдан қатъи назар, пластик карточкалар бўйича банк операцияларининг ҳамма турларини ягона режимда амалга ошириш имконини таъминлаб берди. Мижоз ёки банк қаерда жойлашганлигидан қатъи назар ўн сақимта банкнинг бири томонидан чиқарилган пластик карточкага ҳар қандай бошқа банкнинг савдо терминалида ҳеч бир монеликсиз хизмат кўрсатилади.


Банклараро тўлов тизимининг имкониятлари ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида ягона «UZKART» логотипи ишлаб чиқилган бўлиб, у пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган ҳамма пунктларда бор.



Шундай қилиб, республикада пластик карточкалардан фойдаланиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган иш бугунги кунда пластик карточкаларни ҳисоб-китоб қилиш ва пул сақлашнинг бебаҳо воситасига айлантирмоқда. Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Ягона умумреспублика процессинг маркази ва тижорат банкларининг ҳамкорлиги пластик карточкалар имкониятларини кенгайтирмоқда, уларнинг жозибдорлиги ва ишончилигини оширмоқда. Республикада пластик карточкалардан фойдаланиш жадал сурачлар билан ривожланиб бормоқда, ҳар бир босқичда янги замонавий банк технологияларидан фойдаланиб нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш сифати ва қўлайлигини оширмоқда.

**Кирилл КРУГЛОВ,**  
Ўзбекистон банклари  
ассоциациясининг эксперти.





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2007 ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта куруллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосида республика иқтисодиётини барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:  
давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2007 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 3-иловага\* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2007 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 4-иловага\* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2007 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 5-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2007 йилги инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 6-иловага\* мувофиқ;

корхоналарнинг маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган 2007 йилги йирик инвестиция лойиҳаларининг манзилли курилишлар рўйхати 7-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан сўзлий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2007 йилги инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 8-иловага\* мувофиқ.

3. Қуйидагилар маъқуллансин:  
хўжалик субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича 2007 йилги манзилли рўйхати 9-иловага\* мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2007 йилги инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 10-иловага\*\* мувофиқ;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 11-иловага\* мувофиқ.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар – буюртмачилар:

ўн кун муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Мактаб таълими жамғармаси ва

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2007 йилги курилишларининг дастлабки манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

2006 йилнинг 15 ноябригача Ўзбекистон Республикаси Давархитекткурилиш билан биргаликда 2007 йилда янги бошланадиган курилишлар бўйича пудрат ишларига танлов савдоларини ўтказишни таъминласин;

2006 йилнинг 1 декабригача пудратчи ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда йилдан-йилга ўтказиладиган объектларнинг 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра қолдиқ нархини қайта ҳисоб-китоб қилсин;

2006 йилнинг 1 декабригача 2007 йилги курилишларнинг узил-кесил манзилли рўйхатларини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсинлар;

танлов савдоларининг натижалари тасдиқлангандан сўнг ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномалари тузилишини таъминласинлар ва курилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда буюртмачи томонидан белгиланган муддатларда тақдим этилган давлат сўнг, давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2007 йилги курилишларнинг якуний манзилли рўйхатини келишиб олсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил якунлари бўйича 2006 йилги Инвестиция дастурининг амалга оширилиши натижаларини танқидий кўриб чиқсин, зарурат туғилганда 2007 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрларини аниқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» қўмитаси: лойиҳа ва курилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳар курилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоида ва стандартларига инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган давр мобайнида риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсин;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари ижроси мониторинги, шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар курилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

2007 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

8. Хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2007 йил мобайнида тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастурига ва айрим буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини йиғма рўйхатдан манзилли дастур қисмига ёки манзилли дастурдан йиғма рўйхатга ўтказиш ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўтказилган танлов савдолари ҳамда айрим курилиш ва объектлар бўйича маблағларнинг амалда ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган лимитлар доирасида буюртмачилар курилишларининг манзилли рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Белгилансинки, марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан бажариладиган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида лойиҳа ва/ёки эксперт ташкилотининг айби билан йўл қўйилган қўшимча иш ҳажми ва харажатлар аниқланган тақдирда мазкур лойиҳани ишлаб чиқиш ва/ёки экспертизадан ўтказиш учун тўланган пулнинг ҳаммаси ана шу ташкилотлардан давлат бюджети даромадига олиб қўйилиши лозим.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Давархитекткурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал курилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги 11-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда уларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни танлов асосида жалб этишни ташкил этсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. С. Азимов ва Н. М. Ханов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 октябр,  
ПҚ-484-сон

\*1—11-иловалар берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### ДАВЛАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ ҚАЙТАРИШ УЧУН ҒАЛЛА ВА УН СОТИШДАН ТУШАЁТГАН МАБЛАҒЛАРНИ АККУМУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 2006 йил 5 октябрда 1627-сон билан давлат  
рўйхатидан ўтказилди  
(2006 йил 15 октябрдан кучга киради)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 июндаги 02-8-142-сонли Баёнининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қарор қиладилар:

1. Илова\* қилинаётган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низом (янги тахрирда) тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда тасдиқланган 10-01 ва 111-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби» (1999 йил 27 феврал, рўйхат рақами 653);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 28 сентябрда тасдиқланган 10-05 ва 111-В-1-сонли Адлия вазирлигида 1999 йил 27 февралда 653-сон билан рўйхатга олинган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маб-

лағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га 1-сонли қўшимча ва ўзгартиришлар (1999 йил 30 сентябр, рўйхат рақами 653-1);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 2000 йил 24 августда тасдиқланган 95 ва 111-В-2-сонли Адлия вазирлигида 1999 йил 27 февралда 653-сон билан рўйхатга олинган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га 2-сонли ўзгартириш (2000 йил 5 сентябр, рўйхат рақами 653-2);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 2004 йил 28 ап-

релдаги 56 ва 111-В-3-сонли қарори (2004 йил 4 июн, рўйхат рақами 653-3 – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 22-23-сон, 268-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га 2004 йил 15 октябрдаги 113 ва 111-В-4-сонли қарори (2004 йил 1 ноябр, рўйхат рақами 653-4 – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 44-сон, 465-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га 2004 йил 11 ноябрдаги 121 ва 111-

В-5-сонли қарори (2004 йил 18 ноябр, рўйхат рақами 653-5 – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 45-46-сон, 482-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га 2005 йил 15 августдаги 73 ва 111-В-6-сонли қарори (2005 йил 8 сентябр, рўйхат рақами 653-6 – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 34-36-сон, 270-модда);

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири**  
Тошкент ш.,  
2006 йил 19 сентябр,  
82-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Марказий банк  
Бошқаруви Раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**  
Тошкент ш.,  
2006 йил 19 сентябр,  
281-В-сон

\* Низом рус тилидаги матнда берилган.





# МОЛИЯЧИЛАР ЎҚИШИ

**Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогноллаш, ижро этиш ва назорат қилиш молия тизимини ислох этишнинг устувор йўналишларидан биридир. Молия тизимининг асосини ташкил этувчи давлат бюджети бир томондан мамлакат молиявий ресурсларининг салмоқли қисмини ўзида жамлайди, иккинчи томондан эса барча молия бўғинлари ва муассасаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди. Давлат бюджетининг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетлар давлат миқёсида иқтисодий ва ижтимоий вазибаларни амалга оширишда, биринчи навбатда давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.**

Ўзбекистон Республикаси Банк – молия академиясида Молия вазирлигининг 2006 йил 6 сентябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари ҳамда шаҳар ва туман молия бўлими мудирларининг малакасини ошириш юзасидан ўқув курси ташкил этиш тўғрисида” ги буйруғига асосан уч ойлик курс ташкил этилди.

Бундай курсларни ташкил этишдан мақсад – Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар,

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда шу асосда ишлаб чиқилган иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа норматив ҳужжатларни чуқур ўрганиш, мукамал эгаллаш ва амалиётга жорий этишдир. Қолаверса, молия органлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг билим-малакасини мунтазам ошириб бориш зарур. Буни молия органлари ва бюджет ташкилотларида аниқланаётган баъзи бир камчиликлар ҳам тақозо этмоқда.

Шу йилнинг сентябр-ноябр ойларида давом этадиган ўқув курсида Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари ҳамда шаҳар ва туман молия бўлими мудирлари белгиланган муддатларда келишиб, академияда бир ҳафта ўқишади. Маъруза матнлари ўқув курси қатнашчилари учун махсус тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма, бўлим бошлиқлари, Банк-молия академиясининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган.

Ҳафтанинг ҳар душанба куни курснинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Ё. Турсунов, бошқармалар бошлиқлари У. Нурматов, С. Перетолчинлар қатнашиб, курснинг мақсади, вазибалари ва яратилган шароитлар билан курс иштирокчиларини таништиришади.

Биз яқинда Банк-молия академиясида бўлганимизда вилоятлар туман молия бўлими мудирларининг бир ҳафталик ўқишга қақирилганлигининг гувоҳи бўлдик ва улардан бир нечасини суҳбатга тортдик.



**- Мен молия соҳасида 35 йилдан бери ишлайман, - дейди Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани молия бўлими мудир Шомат Ўзбеков.**

- Биз 2000 йилда малака ошириш курсида 50 кун ўқиганмиз. Туманимиз вилоятнинг энг чекка жойларидан бири. Шу боис бизларга янгиликлар, бўлаётган ўзгаришлар етиб бориши қийин. Бу ерда бизларга янгиликлар билан танишишимиз учун жуда яхши имконият яратилди.

Биз ўқиш билан бирга Тошкентнинг энг эътиборли жойларини ҳам томоша қилдик. Бундан олти йил олдин қўрган пойтахтимизни таниб бўлмас даражада ўзгарганлигини кўриб қувониб кетдик. Биз ҳам туманимизда қайси соҳаларни молиялаштириш лозим эканлигини ўзимизга режа қилиб олдик. Ўзбекистон банклари ассоциациясини бориб кўрдик. Мактабларни кўрдик, бизнинг туманимиздаги болалар ҳам шундай мактабларда ўқишини жуда истардик.

Деҳқонобод туманида бюджет маблағининг ярмидан кўпини ижтимоий соҳага ажратамиз. Ҳар йили халқ таълими учун бюджет маблағининг 45 фоизи, соғлиқни сақлаш учун 21 – 22 фоиз, ижтимоий нафақалар учун 26 фоиз маблағ ажратилади.

Туманимизда иккита янги коллеж ишга туширилди. Бири қишлоқ хўжалиги, иккинчиси саноат коллежидир. Деҳқонобод – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли туманимиз орқали ўтган. Шунингдек, яқин йилларда Калий заводи қурилиши ҳам режалаштирилган. Туманимизда 3 мингдан ортиқ хусусий тадбиркорлар фаолият олиб бормоқда. Аҳолини кўпроқ иш билан таъминлашимиз керак. Шу боис ишчи ўрин-

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури - амалда ЁШ БАНКЧИЛАР ЎҚУВ МАСКАНИ

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёш авлодга берилаётган таълим-тарбия сифатини ошириш ҳамда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманида жойлашган Тошкент банк коллежи ҳам замонавий педагогик технологиялар асосида банк-молия соҳаси учун кадрлар тайёрлаб келмоқда.**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 272-Қарорига мувофиқ иш бошлаган ушбу коллежнинг фаолият юритаётганига 10 йил тўлди.

Бу ўқув даргоҳида талабаларга банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия агентлиги, сугурта иши ҳамда банкларда бухгалтерия ҳисоби йўналишлари бўйича таълим берилиб, мамлакатимиздаги банк-молия муассасалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори учун малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Айни пайтда мазкур масканда таҳсил олаётган 2600 нафардан ортиқ талабага жами 158 нафар юқори тоифали педагог, жумладан, 2 та фан доктори, 23 та фан номзоди ҳамда бир неча тажрибали ўқитувчилар таълим беришмоқда. Коллежда талабаларнинг етарли билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, давр талабига мос жиҳозланган тўртта имитация ўқув банки, ўқув-тажриба банки, энг сўнгги русумдаги компьютер техникалари, замонавий мультимедиа ускуналари билан жиҳозланган саккизта компьютер хонаси – барчаси талабалар ихтиёрида. Бу ерда барча фанлар замонавий технологиялар билан

жиҳозланган махсус хоналарда ўтилади. Бундан ташқари, спорт зали, теннис корти ва бошқа турли спорт майдончалари ҳамда ўқув заллари ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб шаклланишларида хизмат қилади.

Коллеж катта кутубхона фондига эга бўлиб, унда мутахассислик фанларига оид китоблар ва бадиий адабиётлардан ташқари, профессор-ўқитувчиларнинг “Иқтисодий асослари”, “Микроиқтисодий”, “Банк ҳуқуқи”, “Аудит”, “Пул муомаласи ва кредит асослари”, “Банк ҳисоби” ва “Банк иши” каби фанлар юзасидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабаларига мувофиқ тайёрлаган ўқув қўлланма ва дастурлари жой олган.

Шунингдек, Банк коллежи маъмурияти ўқитувчиларнинг илмий-педагогик тажрибасини ошириш ҳамда ёш кадрларнинг амалий салоҳиятини кучайтириш мақсадида хорижий молия муассасалари, ўқув юртлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади.

Хусусан, Япониянинг JICA ташкилоти билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари алоҳида аҳамиятли бўлиб, унда кадрлар айрибошлаш дастури яхши йўлга қўйилган. Жумладан, инвестицион дастурлаш ва иқтисод йўналишлари бўйича Японияда

малака ошириб келган коллеж ўқитувчилари бугунги кунда талабаларга ушбу фанларни хориж тажрибаси билан уйғунлаштириб ўргатмоқдалар. Япониялик мутахассис Хидеки Нақониши дарсларида эса, ўқувчилар тадбиркорлик молияси бўйича чуқур билим олмақдалар.

Шунингдек, Германиянинг Магдебург университети, ХХРнинг Шанхай университети ҳамда Г. П. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси каби етакчи хорижий ўқув муассасалари билан ҳам самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Коллеж ўқитувчилари мунтазам равишда республикамиздаги мавжуд олий ўқув юртлари – Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодий университети, Банклар ассоциацияси ва Республика Фонд биржаси билан ҳам доимо боғлиқ, юртимиз банк-молия соҳасидаги янгиликлардан бохабар бўладилар.

Шунингдек, коллеж талабаларининг бевоқиф тажриба олишлари бўлиб, амалиёт ўташлари таъминланган. Билим юртида ташкил этилган “Ахборот технологиялари маркази” да банк муассасаларида қўлланилаётган дастурлар ўқув жараёнига мослаштирилган ҳолда ўрганилади. Коллеж қошидаги иккита “Имитация банки”ида эса, талабалар Европа банклари операцияларини амалда мустақил бажариш имкониятига эга бўладилар.

Тошкент Банк коллежини тугатган талабалар республикамизнинг молия-кредит ташкилотларида, хусусан, Марказий банк, Миллий банк, Халқ банки, “Пахта Банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” каби бир қанча йирик банклар ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Бу эса, мазкур ўқув муассасасида таълим тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилаётганликларидан далолат беради.

Ориф ОХУНОВ.

## ТИЛ – БУ ҚАЛБ КАЛИТИДИР

**Акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»да ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига 17 йил тўлишига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Тадбирга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Шўхрат» медали соҳиби, фахрий профессор, Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган, ўзбек халқининг фахри, юртимизнинг ардоқли фарзанди Пиримқул Қодиров таклиф қилинди.

Мустабид совет тузumi узок йиллар мобайнида ажодларимизга, она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни сўндиришга уриниб келган. Ўзбек тилининг имкониятлари ҳақидаги ҳақиқатни гапириш катта жасорат ҳисобланган ўша пайтларда ҳам шахсий фикрини, нуқтаи назарини исботлай олган, она тилимиз учун курашган забардаст ёзувчи Пиримқул Қодиров учрашувда ўзбек тили қадимий ва бой тил бўлишига қарамасдан, давлат тили мақомини ололмай жуда кўп тўсиқларга учрагани, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани халқимизнинг кейинги 200 йиллик тарихидаги энг катта тарихий воқеа ҳисобланишини алоҳида таъкидлади ва бу воқеа билан боғлиқ тафсилотларни қизиқарли фактлар билан гапириб берди.

Тадбирда ёзувчининг Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб ёзган «Тил ва эл» китоби тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда қатнашган банк ходимлари, мутахассислар ва тадбир меҳмонлари ўзбек тилининг ўзбек давлатчилигидаги тутган ўрни, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши, хусусан, бу борада банк-молия соҳасида бажарилаётган ишлар ҳақида фикр алмашдилар.

Мулоқотни якунлар экан, улуг ижодкор: «Тил – бу ҳар бир халқнинг дилига йўл очадиган калит. Бу калит қанча кўп бўлса, инсон шунчалик бой бўлади!» - деб барча учун сабоқ бўладиган сўзларни айтди.

Банк тренинг маркази.

## КОЛЛЕЖЛАР НЕМИС АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

**Мамлакатимиздаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тегишли 14 та коллеж Германиянинг Fujitsu-Siemens ва Lucas Nuelle компанияларида ишлаб чиқарилган 7,1 млн. евро миқдоридagi ўқув дастгоҳлари билан жиҳозлана бошланди.**

Илгари хабар қилганимиздек, ушбу лойиҳалар ҳукуматнинг ўрта махсус таълимни ислох қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Германия KfW банкнинг 7,7 млн. евро миқдоридagi кредитлари ҳисобига молиялаштирилган.

Имтиёзли кредит йиллик 0,75 фоиз ставкада, ўн йиллик имтиёзни қўшиб ҳисоблаганда 40 йил муддатга берилган.

Мазкур лойиҳа доирасида республикамиздаги ахборот-коммуникация соҳасидаги 14 та коллеж замонавий ўқув-лаборато-


рия асбоб-ускуналари билан жиҳозланади, муҳандис-педагоглар малакасини оширилади, махсус адабиётлар нашр этилади.

Германиядан келтирилган ахборот-коммуникация ўқув асбоб-ускуналарининг 2,5 млн. еврога тенг қисмини Fujitsu-Siemens компанияси маҳсулоти бўлса, қолган қисми – мебеллар, ўқув қуролларини Lucas Nuelle компанияси етказиб берди.

KfW мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келатган Германиянинг йирик молиявий муассасаларидан бири. Ўтган йиллар давомида банк Ўзбекистонга жами 177,2 млн. евро ҳажмида кредитлар ажратган бўлиб, бу маблағлар эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, транспорт инфратузилмаси, телекоммуникация, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, ижтимоий соҳа, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш кўзда тутилган бир неча лойиҳалар молиялаштирилган.

Ўз мухбиримиз.





ларини кўпайтириш лозим. Лицейлар ҳам қуриш ниятимиз бор.

Бизга Молия вазирлиги ва Банк-молия академияси томонидан тайёрланган "Иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогнозлаштириш, ижро этиш ва назорат" мавзусидаги ўқув курси материаллари берилди. Дарслар баҳс-мунозараларга бой бўлиб ўтмоқда. Ёш раҳбар ходимлар бизлардан кўп нарсаларни сўрашади, биз ҳам ўз навбатида улар билан фикр алмашамиз, таклифларни муҳокама қиламиз.

Ўқув курси материаллари пухта тайёрланган. Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва молия бошқармалари ходимларининг назарий ва амалий маърузалари бизга жуда кўп маълумотларни олишимизга ёрдам беради.

**- Академиядаги молиячилар ўқишида Наманган вилоятидан ҳам масъул ходимлар таклиф этилган. Эндиги суҳбатдошимиз Наманган вилояти Мингбулоқ тумани молия бўлими мудир Кўчқор Қодиров.**

- Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қийинчилик томонлари бўлгани каби молия соҳаси ҳам мураккаб, - дейди Кўчқор ака.

Мен бу соҳада 23 йилдан бери ишлайман. Бундай малака ошириш курсида биринчи марта бўлишим. Бир ҳафта мобайнида жуда кўп нарсалар олдим. Ўқув курси материаллари жуда пухта ишланган.

Айниқса, соҳамиз учун янгилик бўлган "давлат бюджетининг газначилик ижроси элементлари ва босқич-

**Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустақамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги масъулиятини оширишга имкон беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини излаб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустақамлайди.**

**И.Каримов**

лари" мавзуси жуда кўп саволларимизга жавоб топишимизга ёрдам берди. Айниқса, бу мавзуда Молия вазирлигининг Давлат бюджетининг газначилик ижроси методологияси ва уни жорий этиш бошқармаси бошлиғи В. Г. Кильбергнинг маърузаси бизда катта таассурот қолдирди.

Газначилик тизимида давлат газначилиги даромад тушумларини қабул қилади, бюджетга тааллуқли барча маблағлар махсус ҳисобрақамларда сақланади ва харажатлар газначилик органлари орқали амалга оширилади. Биз бу борада қилинадиган ишларни тўлиқ назарий ва амалий ўрганиб чиқдик. Бу мавзу бўйича барча вилоятлар, туман молия бўлими мудирлари малака оширишлари лозим, деб ўйлайман. Чунки, биз академияга келиб кўп нарсаларга ойдинлик киритдик ва ўргандик. Энди ҳеч қийналмасдан ишлай оламиз.

- Ўқув курси материаллари ичида "Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлашнинг хусусиятлари, муаммолар ва уларни ҳал этишнинг


йўллари" мавзуси ҳам бизга катта йўналиш берди. Ҳозирги кунда Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўз харажатларини ҳудудда шаклландирган солиқлар ҳисобидан тўлиқ қоплаш билан бирга ортиқча даромадларини республика бюджетига ажратади. Яқин йилларда бизнинг вилоятимиздаги иккита туманни ҳам дотациядан чиқариш мўлжалланмоқда.

Бизнинг ишимиз жуда мураккаб десам бўлади. Шу сабабли ўз устимизда мунтазам ишлашимиз лозим. Бунда ушбу курсларнинг аҳамияти беқиёс.

Банк-молия академияси профессор - ўқитувчиларининг маърузалари биз учун жуда қимматли. Академия ректори А. Вахабов, кафедра мудир Т. Бобоқуллов, академия проректори М.Хамидуллинларнинг маърузаларини жуда қизиқиш билан тингладик. Биз уларга катта раҳмат деймиз.

**Банк-молия академиясида олиб борилаётган молиячиларнинг уч ойлик курси ҳали давом этмоқда. Курс якуни бўйича тест сновларини юқори натижалар билан топширган молия органлари раҳбарларининг ойлик иш ҳақларига молия органи умумий иш ҳақи жамғармасидан чиқмаган ҳолда 50 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлови жорий этиш Молия вазирлигининг 85-сонли буйруғида алоҳида кўрсатилган. Шунингдек, иштирокчиларни меҳмонхона билан таъминлаш ҳамда экскурсиялар уюштириш кўзда тутилган. Бу ерда малака ошираётган курс иштирокчиларининг ҳар бирининг таассуротлари бир олам. Демак, бундай ўқув курслари молиячилар учун ҳар доим зарур. Зеро, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш кишини улуг мақсадларга бошлайди.**

**Кумуш ЖУМАЕВА.**



**- Академиядаги молиячилар ўқишида Наманган вилоятидан ҳам масъул ходимлар таклиф этилган. Эндиги суҳбатдошимиз Наманган вилояти Мингбулоқ тумани молия бўлими мудир Кўчқор Қодиров.**

- Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қийинчилик томонлари бўлгани каби молия соҳаси ҳам мураккаб, - дейди Кўчқор ака.

Мен бу соҳада 23 йилдан бери ишлайман. Бундай малака ошириш курсида биринчи марта бўлишим. Бир ҳафта мобайнида жуда кўп нарсалар олдим. Ўқув курси материаллари жуда пухта ишланган.

Айниқса, соҳамиз учун янгилик бўлган "давлат бюджетининг газначилик ижроси элементлари ва босқич-

## БАНК ХОДИМЛАРИ УЧУН ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

**20 октябр куни Минтақавий банк ўқув марказида навбатдаги ўқув семинарлар ўз якунига етди. Семинарларда деярли барча вилоятлар тижорат банклари ходимлари "Тижорат банкларини солиққа тортиш", "Инсон ресурсларини бошқаришнинг замонавий технологиялари", "Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси", "Замонавий банк иши" мавзуларида маърузалар тингладилар. Хусусан, "Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси" мавзуи бўйича йил бошидан буён 5 та семинар уюштирилган ва бу семинарларда Давлат тижорат Халқ банкнинг пенсия жамғармаси тизимида фаолият олиб борадиган ходимлари иштирок этган. Ушбу йўналишда йил охиригача 200 нафар ходимни қайта тайёрлаш ва тизим ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш режалаштирилган.**

- Семинарни ташкил этишдан асосий мақсад, - дейди "Халқ банки" жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқарув департаменти бўлим бошлиғи Солиҳжон Абраҳматов биз билан суҳбатда, - ходимлар малакасини ошириш билан бир қаторда уларни пенсия жамғармаси тизимидаги дастурий таъминот соҳасида рўй бераётган янгиликлар билан таништириш. Пенсия тизимининг жорий этилганлигига 1 йилу 9 ой бўлган бўлса, ушбу вақт мобайнида дастурга киритилган ўзгариш ва янгиликлар деярли якуний босқичига етди.

Айтиш мумкинки, пенсия жамғармаси тизими бўйича ишлаб турган дастурий таъминот мукаммалашди. Ушбу тизимда янги иш бошлаган ёш ходимларни қайта ўқитиш ва уларни амалиёт билан таништириш самарали натижалар беради. Семинарларни айнан МБЎМ да олиб бораётганимизнинг сабаби уларда бу борада тажриба ва ўқитиш технологиялари ривожланган, синов услублари тўғри йўлга қўйилган, энг муҳими, тингловчиларга тегишли сертификатлар берилади. Амалиёт жараёнига келадиган бўлса, амалиёт ДТ Халқ банкнинг амалиёт бошқармасида ўтказилиши режалаштирилган. Яна бир йўналиш - Ходимларни

бошқариш масаласига бағишланган семинарларда МБЎМнинг малакали психолог ўқитувчилари дарс ўтишди. Семинарларда Марказий банк Ходимлар билан ишлаш департаменти бошқарма ва бўлим бошлиқлари қатнашди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган банк ходимлари иштирок этди.

Семинарлар якунида иштирокчиларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик.

- Семинарлар жуда қизиқарли ва қизгин баҳсларга бой бўлди, - дейди Марказий банк ходими М. Ҳамроқуллова. Маърузалардан ходимлар билан ишлаш жараёнида инсон психологиясининг қайси жиҳатларига эътибор бериш лозимлигини, ходимларни бошқариш методикасини ўргандик.

Банк тизимида мижоз билан ишлаш жараёни ходимлардан нафақат малака ва кўникма, балки юксак одоб ва ахлоқий меъёрларни талаб этади. Ходимни ишга олиш жараёнида унинг ана шу меъёрларни қай даражада эгаллаганлигини кўра билиш керак. Маърузачи психологлар нафақат маърузалар, балки амалий машғулотлар билан ҳам мавзу бўйича жуда яхши тушунча қолдирди.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

### ●ЭКСПЕРТ ФИКРИ

**"Кадрлар барча нарсани ҳал қилади". Бу қоида банк соҳасига ҳам тааллуқлидир. Аммо барча ходимлар ҳам бу борада бирдек иқтидорга эгамилар? Куйида экспертларнинг шу ҳақдаги фикрлари билан танишасиз.**

## БАНК ИШИ: ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

**Сергей Корниец, «Московский капитал» банкининг вице-президенти:**

- Мен банк мутахассислари ва менежерларини ташаббускорлиги ва ижодий иштироки жиҳатидан юқори даражадан бошлаб куйидаги кетма-кетликда жойлаштирган бўлардим:
- банк директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг мустақил директори;
- савдо майдончаларидаги операциялар бўйича мутахассис (фонд, валюта дилерлари, трейдерлар, брокерлар ва шу кабилар);
- лойиҳани молиялаш ва инвестициялар бўйича мутахассис;
- қарз олувчиларни жалб этиш бўйича кредит маслаҳатчиси-менежер;
- корпоратив мижозларни жалб этиш бўйича менежер;
- VIP-мижознинг шахсий менежери;
- банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича мутахассис;
- реклама мутахассиси;
- молиявий таҳлилчи.

Янги ташаббуслар билан чиқувчи ижодий кишилар учун жамоатчиликнинг эътирофи, ўз ижодий даъволарининг қондирилиши баъзан моддий рағбатлантириш каби муҳим аҳамиятга эга. Банк бундай сифатли мутахассисларни жалб этиш ва сақлаб қолишдан қанча кўп манфаатдор бўлса, маънавий рағбатлантириш шакл ва механизмлари ҳам шунчалик хилма-хил бўлиши керак. Банклар иш олиб бораётган ҳозирги ахборот муҳити электрон ёки босма корпоратив нашрда банк жамоасини ўз ҳамкасбларининг муваффақиятларидан хабардор қилишдан тортиб то банкларнинг ахборот интернет-ресурсларида ва профессионал босма нашрларида мақола беришгача жуда катта имкониятларга эга. Банк маъмурияти умумдавлат ва корпоратив байрамлар, молия йилининг тугаши, ходимнинг шахсий саналари (туғилган куни, банкда ишлашининг йиллиги, лавозимда юқорилаши ва шу кабилар) сингари сабаблардан ҳам фойдаланиши мумкин. Ички корпоратив мукофотларни (дипломлар, нишонлар, медаллар) таъсис этиш, банк ассоциацияларининг мукофотларидан фойдаланиш, мутахассисни «Йил менежери», «Йилнинг банкчиси» ва шу каби танловларга олиб чиқиш ҳам мумкин. Ижодий шахс учун муҳими - жамоатчилик уни муваффақиятга олиб келган қарорнинг муаллифи сифатида таниса, бас.

## «НОЁБ» МУТАХАССИСЛАР ИШ ҲАҚЛАРИНИ ЖИЛОВЛАБ БЎЛАДИМИ?


**Оксана Чехова, НОМОС-Банкнинг ходимлар билан ишлаш бўйича директори:**

- Юқори даражали мутахассисларга кўп нарса боғлиқ ва улар унчалик кўп ҳам эмас. Шу сабабли, яхши профессионаллар тақчил бўлиб турган бир шароитда банклар бир-бирларининг мутахассисларини сотиб олишга ҳаракат қилдилар. Бунда нимани ваъда қилиш мумкин? Энг аввало пул ваъда қиламиз, албатта. Шу билан ўзимиз боши берк кўчага кириб қоламиз, лекин бозор мутахассис сўраган пулни тўлар экан, биз ҳам бир-биримиздан «балиқ» овлайверамиз. Бундай ҳолларда келишиб олишнинг иложи йўқ. Шунинг эътиборида чикармаслик керакки, меҳнат, билим ҳам товар бўлиб, бозор шароитида меҳнат, билимнинг эгаси ким кўпроқ ҳақ тўласа, уни ушанга сотади. Бордию, тўланадиган ҳаққа сунъий равишда чегара қўйиладиган бўлса, имоним комилки, бундай мутахассисга муҳтож одамлар ҳақ тўлаш учун турли механизмларни - мукофотлар, бонуслар, ижтимоий бойлиқлар, квартиралар ҳақини тўлаш ва шу кабиларни ўйлаб топишади.

Фикримча, бунинг чорасини бошқа жойдан кидириш керак. Мутахассисларни аввалбошдан тайёрлаш, ишга ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ёшларни қабул қилиш ва уларни ўргатиш керак. Турган гапки, бу иш кўп вақт олади, мутахассис ишни ўрганиб олгач, кўпроқ ҳақ таклиф қилган жойга кетиб қолиши хавфи ҳам бор. Лекин, биринчидан, бу хавф табиий, иккинчидан эса, ҳозирча бошқа йўл йўқ. Мутахассислар тақчиллиги у ёки бу сабабга кўра биров камайса (ёки мутахассислар кўпайса, ёки иш берувчилар камайса), иш ҳақининг ўсиш жараёнини назорат қилиш мумкин бўлади. Ҳозирча эса, иқтидорли мутахассисга тўланадиган ҳақни чеклашга уриниш - адибга икки саҳифали мақола ёки «Уруш ва тинчлик» ҳажмидаги роман учун бир хил ҳақ тўлаймиз, чунки катта сумма иқтидори камроқларни хаффа қилиб қўяди, дейиш билан баравар. Бундай тенглаштирувчиликни эса биз аллақачон бошимиздан кенирганимиз...

**«Банковское обозрение» материаллари асосида.**





# КРЕДИТ ХАТАРЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантириш жараёни тижорат банкларининг барқарор фаолият юритувчи тизимини яратишни кўзда тутди. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ... кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш, ... муаммоли кредитларни реструктуризациялаш» лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимизда банк ишининг самардорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратишни тақозо қилади.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятда бўлганидек, тижорат банкларининг фаолияти ҳам мавжуд маблағларни энг кам хатар асосида жойлаштириб юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларнинг хатар даражасини оширади, чунки банклар асосан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар. Улар бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишонли топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар. Бу эса тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига қараганда бир неча баробар юқори хатар билан фаолият кўрсатишидан далолат беради. Шу сабабли Ўзбекистонда бозор муносабатлари тамойилларининг амал қилиши тижорат банкларидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ хатарларни бошқа хўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ўрганишларини талаб этади.

Тижорат банкларининг фаолиятида хатарларни бошқариш ва хатар даражасини юқорилаб кетишига йўл қўймаслик, хусусан кредит хатарларини бошқаришда жиддий муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг зарурлиги республикамиз банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Банк хатар даражасини камайтириш учун қуйидагиларни мунтазам равишда амалга ошириши лозим:

- мижозлар портфелларини диверсификация қилиш орқали барча хатар турларини ҳам диверсификациялаш;
- катта кредитларни оз мижозларга бермасдан уларни оз миқдордан кўпроқ мижозларга беришга ҳаракат қилиш;
- мижозларга катта миқдордаги кредитларни синдикатлашган кредит асосида бериш.

Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа нобанк ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида банк фойдасининг талайгина қисми айнан кредитлаш билан боғлиқ бўлиб, шу билан бир вақтнинг ўзида, кредитларнинг, асосан йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги, банкнинг банкротлик ёқасига келиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд хатарларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит хатарлари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Бунинг учун эса авваламбор кредит хатарининг моҳиятини, унинг турларини, келиб чиқиш сабаблари ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиб чиқишимиз зарур.

Банкка кредитнинг асосий қисми ва фойзаларини тўлиқ қайтарилиши билан бир қаторда уни ўз вақтида қайтарилиши ҳам жуда муҳимдир. Муддатнинг узайиб кетиши банк даромадининг пасайишига, инфляцияни ҳисобга олганда эса ҳаттоки зарарга олиб келиши мумкин.

Эътиборли томони шундаки, банк иложи борича кредит хатарининг олдини олишга ҳаракат қилади, чунки банк кредитлашни ўз маблағлари ҳисобидан эмас, асосан жалб қилинган депозитлар

ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширади. Ваҳоланки, банк жалб қилинган маблағларни ўз вақтида, яъни мижозларнинг биринчи талаби биланок тўлаб беришга мажбурдир. Бу жараён банклардан кредит хатарларини атрофлича ўрганишни, хатар даражасини тўғри баҳолаш олиш, кредит хатарини самарали бошқариш ва кредит хатари турлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлишни тақозо этади.

Амалиётда, шунингдек, кредит хатарининг юзага келишига: кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончининг йўқлиги; қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар; юқори билимга эга бўлган банк ходимлари ва мижозларнинг етишмаслиги ва бошқалар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Кредит хатарининг вужудга келиши икки асосий параметр, кредит берувчи ва қарз олувчи ўз вазифаларини қай даражада бажаришига боғлиқ. Қарз олувчи томонидан тайёрланган кредит пакетини таҳлил қилиш ва кредит бериш бўйича лойиҳа тайёрлаш кредитловчи банк учун хатар ва унинг турларини аниқлаб олиш имкониятини беради.

Кредит жараёнлари технологияларининг бузилиши нафақат кредитнинг яхши бошқарилмаётганлигидан далолат беради, балки банк фаолиятида қуйидаги салбий, номоддий натижаларни ҳам келтириб чиқаради:

- кредитнинг вақтида қайтмаслиги банк активларининг айланиш тезлигини секинлаштиради;

- кредитни кутилмаганда муддатидан олдин қайтиши бўш ресурсларни янги актив сифатида жойлаштириш учун қандайдир вақтни талаб қилади;

- берилган кредитнинг қиймати инфляция таъсири натижасида активларнинг келажақдаги ҳақиқий қийматининг пасайишига олиб келади;

- бозорда кредит нархининг (фоизи) кўтарилиб кетиши, яъни кредит берилган даврдаги фоиз ставкалари билан ҳозирги даврдаги фоиз ставкалари ўртасидаги йўқотишлар;

- банк мавқеи ва рейтингининг пасайиши;
- малакали кадрларнинг кетиши ва бошқалар.

Буларнинг барчаси кредит муносабатларида эътиборлироқ бўлиши, бу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлишни, кредит жараёнини режалаштириш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Банк фаолиятидаги мавжуд қуйидаги бир қатор камчиликлар кредитлаш жараёнида ва кредит хатарини бошқариш муносабатларида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради:

- банк кредит сиёсатини ишлаб чиқишдаги камчиликлар;

- кредит портфелидаги хатарларга эътибор қаратилмаганлиги;

- кредит бошқарувининг ўта марказлашганлиги;

- кредит шартномасини атрофлича таҳлил қилинмаганлиги;

- қарз олувчининг молиявий ҳолатини юзаки таҳлил қилиниши;

- гаров қийматининг ўта юқори баҳолалини;

- мижоз билан етарлича алоқада бўлмаслик;

- кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилмаслик;

- кредит ҳужжатларини расмийлаштирилишини назорат қилмаслик;

- кредит жараёнини самарали бошқариш ва назорат қилишнинг йўлга қўйилмаганлиги ва шу каби бошқа бир қатор камчиликлар охир-оқибат банкни қийин аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон банк тизимида кредит хатарлари даражасини камайтиришнинг бир қатор усулларидан фойдаланилади, масалан, берилган кредитлар устидан доимий мониторинг ўрнатиш, кредитлар

ни йўқотишларнинг олдини олиш бўйича захиралар тузиш, кредит портфелини диверсификация қилиш, мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва бошқалар. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим банклар кредитлаш жараёнида бу амалиётларни фақатгина расмий тарихасида, юзаки бажарадилар, бунинг оқибатида кредит портфелида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари кредит хатарларини бошқаришда жаҳон амалиётида қўлланиладиган турли усуллардан тўғри ва самарали фойдаланиш орқали банклараро рақобатда кредитлаш лаёқатини сақлаб қолиш ва ўз мавқеини ошириб бориш имкониятларини қидиришлари шарт.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсатларини ва кредит операциялари фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштириш, банк хатарларини, айниқса кредит хатарларини самарали бошқариш бугунги кунда ҳам асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари қуйидагилардан иборат:

1. Бозор ва кредит хатарларини ҳисобга олган ҳолда активлар ва пасивларни самарали бошқаришни таъминловчи банк кредит сиёсатини такомиллаштириш, тижорат банкларидан ички кредит назорати тизимини такомиллаштириш зарур.

2. Тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит хатарини пасайтириши таъминлайди.

3. Банкларда кредит қўйилмаларининг номуносив тақсимланиши тармоқларда активларнинг хатарлигини оширади ва бошқа тармоқларда ресурслар тақчиллигига олиб келади. Бу муаммонинг олдини олиш учун мавжуд банкларни универсаллаштириши ва улар фаолиятини эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш зарур.

4. Банк ликвидлигини бошқаришда Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларга риоя этиш талаб қилинади. Тижорат банклари жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилишга алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади.

5. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутди. Кредитларнинг, бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит хатари ҳам ўсиб боради. Шунинг учун банклар доимо бири-бирдан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга ороқ ҳажмдаги кредитларни тақдим қилишга ҳаракат қилишлари лозим. Бундан ташқари, кредитларни муддатлари бўйича, йўналиши, таъминоти, тармоқлар ва кредит учун ўрнатилган фоиз ставкаси бўйича тақсимлаш зарур.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик фаолиятига эркинлик бериш хўжалик фаолиятининг натижасига катта ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги барча банклар ҳам ўз фаолиятини янги шароитларда ижобий давом эттира олмади. Банкларнинг кўпчилиги молиявий қийинчиликларга дуч келса, баъзилари берган кредитларини қайтмаслиги оқибатида банкротлик ҳолатига келиб қолди. Бу ҳолат кредитлаш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишнинг нақадар зарурлигига ва унинг кредитлаш жараёнида катта аҳамият касб этишига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.


**Жасур ҲОЖИАҚБАРОВ,**  
**АТ «Пахта Банк»**  
**Андижон вилоят филиали**  
**бош мутахассиси,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**БМА тингловчиси.**

2006 йил 17 октябрдан  
30 октябргача бўлган  
даврда АҚШ долларининг  
миллий валюталарга  
нисбатан курсидаги  
ўзгаришлар\*

1 АҚШ доллари	
<b>Россия Федерацияси</b>	
17.10.2006 й.да	- 26,97 росс. рубли
18.10.2006 й.да	- 26,94 росс. рубли
19.10.2006 й.да	- 26,93 росс. рубли
21.10.2006 й.да	- 26,85 росс. рубли
24.10.2006 й.да	- 26,88 росс. рубли
25.10.2006 й.да	- 26,93 росс. рубли
26.10.2006 й.да	- 26,90 росс. рубли
27.10.2006 й.да	- 26,83 росс. рубли
28.10.2006 й.да	- 26,79 росс. рубли
<b>Украина</b>	
17.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
18.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
20.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
24.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
25.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
26.10.2006 й.да	- 5,0500 гривна
<b>Беларус Республикаси</b>	
17.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
18.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
19.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
20.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
24.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
25.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
26.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
27.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
30.10.2006 й.да	- 2141,50 бел. рубли
<b>Эстония</b>	
17.10.2006 й.да	- 12,4843 крона
18.10.2006 й.да	- 12,4783 крона
19.10.2006 й.да	- 12,4465 крона
20.10.2006 й.да	- 12,3771 крона
24.10.2006 й.да	- 12,4723 крона
25.10.2006 й.да	- 12,4317 крона
26.10.2006 й.да	- 12,3581 крона
27.10.2006 й.да	- 12,3327 крона
30.10.2006 й.да	- 12,2885 крона
<b>Латвия</b>	
17.10.2006 й.да	- 0,5553 лат
18.10.2006 й.да	- 0,5550 лат
19.10.2006 й.да	- 0,5537 лат
20.10.2006 й.да	- 0,5506 лат
24.10.2006 й.да	- 0,5546 лат
25.10.2006 й.да	- 0,5528 лат
26.10.2006 й.да	- 0,5495 лат
27.10.2006 й.да	- 0,5484 лат
30.10.2006 й.да	- 0,5465 лат
<b>Литва</b>	
17.10.2006 й.да	- 2,7549 лит
18.10.2006 й.да	- 2,7528 лит
19.10.2006 й.да	- 2,7474 лит
20.10.2006 й.да	- 2,7316 лит
24.10.2006 й.да	- 2,7520 лит
25.10.2006 й.да	- 2,7425 лит
26.10.2006 й.да	- 2,7259 лит
27.10.2006 й.да	- 2,7215 лит
30.10.2006 й.да	- 2,7111 лит
<b>Молдова</b>	
17.10.2006 й.да	- 13,2150 лей
18.10.2006 й.да	- 13,2150 лей
19.10.2006 й.да	- 13,2150 лей
20.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
24.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
25.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
26.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
27.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
30.10.2006 й.да	- 13,2000 лей
<b>Киргизистон Республикаси</b>	
14.10.2006 й.да	- 39,1245 сом
<b>Тожикистон Республикаси</b>	
10.10.2006 й.да	- 3,3847 сомоний
11.10.2006 й.да	- 3,3849 сомоний
13.10.2006 й.да	- 3,3853 сомоний
21.10.2006 й.да	- 3,3922 сомоний
24.10.2006 й.да	- 3,3918 сомоний
25.10.2006 й.да	- 3,3922 сомоний
26.10.2006 й.да	- 3,3924 сомоний
27.10.2006 й.да	- 3,3924 сомоний
<b>Козогистон Республикаси</b>	
17.10.2006 й.да	- 127,77 тенге
18.10.2006 й.да	- 127,80 тенге
19.10.2006 й.да	- 127,76 тенге
20.10.2006 й.да	- 127,73 тенге
24.10.2006 й.да	- 127,77 тенге
25.10.2006 й.да	- 127,75 тенге
26.10.2006 й.да	- 127,83 тенге
27.10.2006 й.да	- 127,80 тенге
30.10.2006 й.да	- 127,82 тенге
<b>Швейцария</b>	
17.10.2006 й.да	- 1,2703 швейц. франки
18.10.2006 й.да	- 1,2678 швейц. франки
19.10.2006 й.да	- 1,2649 швейц. франки
20.10.2006 й.да	- 1,2571 швейц. франки
24.10.2006 й.да	- 1,2687 швейц. франки
25.10.2006 й.да	- 1,2647 швейц. франки
26.10.2006 й.да	- 1,2577 швейц. франки
27.10.2006 й.да	- 1,2543 швейц. франки
30.10.2006 й.да	- 1,2486 швейц. франки
<b>Япония</b>	
17.10.2006 й.да	- 119,07 япон иенаси
18.10.2006 й.да	- 118,72 япон иенаси
19.10.2006 й.да	- 118,64 япон иенаси
20.10.2006 й.да	- 118,30 япон иенаси
24.10.2006 й.да	- 119,55 япон иенаси
25.10.2006 й.да	- 119,14 япон иенаси
26.10.2006 й.да	- 118,74 япон иенаси
27.10.2006 й.да	- 118,49 япон иенаси
30.10.2006 й.да	- 117,27 япон иенаси
<b>1 Англия фунт стерлинги</b>	
<b>Буюк Британия</b>	
17.10.2006 й.да	- 1,8622 АҚШ долл.
18.10.2006 й.да	- 1,8709 АҚШ долл.
19.10.2006 й.да	- 1,8687 АҚШ долл.
20.10.2006 й.да	- 1,8769 АҚШ долл.
24.10.2006 й.да	- 1,8712 АҚШ долл.
25.10.2006 й.да	- 1,8775 АҚШ долл.
26.10.2006 й.да	- 1,8842 АҚШ долл.
27.10.2006 й.да	- 1,8912 АҚШ долл.
30.10.2006 й.да	- 1,8973 АҚШ долл.
<b>1 евро</b>	
<b>Евроминтақа</b>	
17.10.2006 й.да	- 1,2528 АҚШ долл.
18.10.2006 й.да	- 1,2536 АҚШ долл.
19.10.2006 й.да	- 1,2565 АҚШ долл.
20.10.2006 й.да	- 1,2635 АҚШ долл.
24.10.2006 й.да	- 1,2544 АҚШ долл.
25.10.2006 й.да	- 1,2582 АҚШ долл.
26.10.2006 й.да	- 1,2660 АҚШ долл.
27.10.2006 й.да	- 1,2684 АҚШ долл.
30.10.2006 й.да	- 1,2727 АҚШ долл.

\* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.





## «СУПЕР» ФОСФАТЛАР

Германиянинг Engineering Dobersek GmbH компанияси шу йил декабр ойида Марказий Қизилқумдаги баҳоси 10 млн. евро бўлган Қизилқум фосфорит мажмуасини модернизациялашга киришади, деб хабар қилишди ушбу мажмуани ўз таркибига олган Навоий кон-металлургия комбинатидан.

2005 йил бошларида имзоланган контрактга мувофиқ Германиянинг Engineering Dobersek компанияси ускуналар етказиб берди ва ҳозирги вақтда фосфор қуқунидан хлоридларни ювиб чиқариш қурилмасининг шеф-монтажини амалга оширмоқда. Лойиҳа комбинат маблағлари ҳисобидан молияланди.

Ишга тушириладиган қурилма концентрат таркибидagi хлорни 0,04 фоизгача камайтириш ва озик моддалар таркибини 18-19 фоизгача, кейинчалик эса 30 фоизгача кўпайтириш имконини беради.

Комбинат вакилининг айтишича, лойиҳани амалга ошириш натижасида келаси йилнинг биринчи чорагида аммофос ишлаб чиқариш учун 400 минг тонна ювиб қиздирилган фосфорит концентрати ҳамда суперфосфат ишлаб чиқариш учун 200 минг тонна фосфор қуқуни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Қизилқум фосфорит мажмуасининг биринчи навбати 1998 йилда ишга туширилган. Унинг умумий баҳоси қарийб 33 млн. АҚШ долларига тенг. Мажмуа марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан молияланган эди. 2000 йил охирида мажмуанинг биринчи навбати кенгайтирилиб, қуввати икки баравар ошди ва 400 минг тонна ювилмаган фосфорит концентратини ва 200 минг тонна бойитилмаган фосфор қуқунини ташкил қилди.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда фосфат ўғитлар ишлаб чиқарадиган учта корхона – «Қўқон суперфосфат заводи» ОАЖ, «Самарқанд кимё заводи» ОАЖ ва «Аммофос» ОАЖ ишлаб турибди.

Бу корхоналарнинг ҳаммаси илгари Қозғистондан келтириладиган хом ашёда ишлаган бўлиб, 90-йилларнинг охирида фосфорит хом ашёсини етказиб беришда катта муаммолар пайдо бўлган эди.

Вужудга келган шароитда республика ҳукумати Қизилқум фосфорит конларини ўзлаштиришни кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу конлар фосфор ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг асосий ресурс базасига айланиши керак.

Марказий Қизилқумда жойлашган Жеройкони Қизилқум фосфорит мажмуасининг хом ашё базаси бўлиб, унинг захиралари 303,6 млн. тонна руда ва 57,7 млн. тонна фосфорит хом ашёсидан иборат. Бу кон қишлоқ хўжалигининг фосфор ўғитларга бўлган эҳтиёжини 100 йилдан ортиқ вақт давомида таъминлаб туради.

Жеройконида фосфорит хом ашёсини қазиб чиқаришни кўпайтириш натижасида республикада ишлаб чиқариладиган фосфат ўғитларнинг умумий ҳажми 2005 йил якуналаридаги 101,2 минг тонна ўрнига 2007 йилда 515 минг тоннага етиши керак.

«Туркистон-пресс» НАА.

## РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Юртимизда хусусий секторнинг жадал ривожланиб боришида лизинг компанияларининг ўз ўрни бор. Жумладан, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Барака» универсал лизинг компанияси ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга самарали лизинг хизматини кўрсатиб келмоқда.

Компаниянинг галдаги устувор вазифалари, 2006 йилнинг ўтган даври мобайнидаги фаолияти натижалари, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари билан танишиш мақсадида «Барака» УЛК Бош директори М.АБДУРАҲМОНОВ билан мулоқотда бўлдик.

- Маҳкам Акбарович, шу кунларда «Барака» универсал лизинг компанияси олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

- Албатта, биринчи галдаги вазифаларимиз бу республикамиз миқёсидаги турли ташкилот ва корхоналарга замонавий ҳамда сифатли технологиялар билан таъминловчи юқори савиядаги лизинг хизматларини кўрсатишдан иборатдир.

Шу билан биргаликда, ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаларимиз лизинг олувчи мижозларга қўйиладиган талабларни енгиллаштириш, уларни амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришни таъминлаш, қисқа муддат ичида мижозга керакли бўлган сифатли технологияни топиш ва лизинг шартномасини расмийлаштириш, бундан ташқари кадрлар малакасини ошириш, хизматларимиз бўйича барча маълумотларни аниқ, тезкор ва давомий етказиш учун Интернетдан унумли фойдаланишдан иборатдир.

- Компаниянгизнинг 2006 йилнинг ўтган даври фаолияти натижалари ҳам тўхталиб ўтсангиз.

- Ушбу даврда қарийб 400 млн. сўмлик 6 та лизинг шартномалари имзоланди. Молиялаштирилган лойиҳаларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли. Таъкидлаб ўтиш керакки, барча соҳаларни ривожлантириш ва қутилган натижаларга эришиш иш жараёнида доимий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Бунинг учун компаниямиз ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар ижросини мунтазам равишда таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юртимиздаги бозор инфратузилмаси ташкилотлари олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Барака» универсал лизинг компанияси ҳам ўз фаолиятида айнан шу соҳанинг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. 2006 йил давомида имзоланган лизинг шартномаларининг аксарияти хизмат кўрсатиш соҳасига таал-

луқли эканлиги фикримизни тасдиқлайди.

Айтиш керакки, сўнгги пайтларда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлган хўжалик субъектлари аҳолига айнан такси хизматини кўрсатишга қизиқиш билдирмоқдалар. Биз бу борадаги ташаббусларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Масалан, Фарғона шаҳрида жойлашган, ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган «FarSarbonZiyo» масъулияти чекланган жамиятига компаниямиз томонидан 9 дон «Матиз» русумли автоулов лизинг шартлари асосида берилди. Ушбу жамият аҳоли учун сифатли такси хизматини йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилган. Лизингга олинган ушбу автомобиллар Фарғона шаҳридаги ички йўналишларда, қолаверса, Фарғона-Қўқон-Фарғона йўналишида ҳам қатнамоқда. Бу орқали корхона шаҳар аҳолисига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилабгина қолмай, ишсиз ҳайдовчиларни иш билан таъминлашга, банкка тушириладиган нақд пул ҳажмларини оширишга ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, олинган фойдадан лизинг тўловларини ҳам мунтазам тўлаб бормоқда.

- Шу ўринда яна бир савол туғилади. «Барака» универсал лизинг компанияси бу йил Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясига қабул қилинди. Ушбу ассоциацияга аъзоликдан Сиз нима кутмоқдасиз?

- Албатта, барча соҳанинг бир маромда ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган жиҳат - бу белгиланган меъёрий ҳужжатларга амал қилиш, яъни қонун устуворлигидир.

Лизинг берувчилар ассоциациясининг асосий фаолиятларидан бири ҳам айнан Ўзбекистондаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш орқали лизинг хизматлари бозорини ривожланиши учун қулай шароит яратиш ҳисобланади. Ўтган қисқа давр ичида «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Солиқ кодексининг лизинг хизматларига доир, тегишли моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида ассоциация томонидан ҳукумат органларига берилган бир қатор таклифлар фикримизни тасдиқлайди.

Компаниямиз ассоциациянинг аъзоси сифатида ундан лизинг хизматлари бозорига барча лизинг берувчиларга тенг шароитни таъминлаш орқали соғлом

рақобат муҳитини вужудга келтиришни кутмоқда. Бундан ташқари, хориз инвестициялари ҳамда кредит линияларини жалб қилган ҳолда, уларни Ўзбекистондаги лизинг берувчи компаниялар орасида тенг тақсимланишни таъминлаш Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайман.

- «Барака» УЛК фаолиятини янада ривожлантириш учун қайси жиҳатларга эътиборни қаратиш зарур деб ҳисоблайсиз?

- Албатта, асосий йўналишимиз кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган хўжалик субъектлари билан ишлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда компаниямиз фаолиятини ривожлантириш учун урта мақсадни ўз олдимишга қўйганмиз. Булар лизинг ҳажмини кўпайтириш учун Устав капитали ва айланма маблағларни ошириш, лизинг бозоридagi ўрнимизни мустаҳкамлаш учун мижозларни кенг миқёсда жалб қилиш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишдан иборат.

Қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида Президентимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқиб ҳамда хориз тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда келажакда облигация чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Компания олдида қўйган яна бир мақсад - бу лизинг турларини янада кўпайтириш, чунончи, микролизинг (лизинг суммаси минимал иш ҳақининг 2 минг баробаридан ошмаган миқдорда), револьверли лизинг (лизинг шартлари асосида олинаётган ускуна кетма-кет алмаштириш тақозо этади), алоҳида лизинг (объект қийматининг фақат маълум бир қисми молияланади), сублизинг (лизинг олувчи мулкни учинчи томонга ижарага беради) кабиларни амалиётга кенг жорий қилишдир.

«Барака» УЛК кўпгина банклар билан айнан лизинг соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар имзолади. Натижада келажакда йирик лизинг лойиҳаларини бир неча банк ва лизинг компаниялари билан биргаликда «шерикчилик» (синдикат) асосида молиялаштиришни мўлжалламоқдамиз. Бундан ташқари, хоризий лизинг-компаниялари билан ҳамкорликда узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш орқали Ўзбекистондаги йирик лойиҳаларни молиялаштиришни компаниямизнинг галдаги вазифаси, деб биламан. Ушбу бўйича ривожланган хоризий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам асқотиши табиий.

Лизинг хизматларининг ривожланиши ҳар бир тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини янада кенгайтириши, мавжуд активини янгиллаб иш сифатини оширишига хизмат қилади. Республикамиз молия бозори тараққиёти учун лизинг билан боғлиқ барча хизматларни янада такомиллаштириш лозим.

- Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Алишер ДАВЛАТОВ.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги изчил ислохотлар фермер ва деҳқон хўжалиқларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бунга яқинда «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан очилган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Фермер хўжалиқлари уюшмаси каби ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган мазкур кўргазмага Россия, Германия, Австрия, Италия, Венгрия, Белгия каби 20 дан ортиқ давлатлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи етакчи компаниялар жалб қилинган.

Шунингдек, кўргазмада мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассдилари, вилоят ва туман ҳокимлари ҳамда бевосита мазкур техникаларни амалда қўлловчи - фермер ва деҳқон хўжалиқлар вакиллари иштирок этмоқдалар. Улар хоризий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий, илғор минитехнологиялар ва ускуналар билан яқиндан танишиб, шу эрининг ўзида олди-сотди шартномаларини тузишмоқда.

- Биз Россиядан келтирилган қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда мосламаларини сотиб олиш учун ушбу давлатнинг етакчи компаниялари билан шартнома туздик, - дейди Самарқанд

## ХОРИЖИЙ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

вилояти Булунгур туманидан ташриф буюрган «Мингчинор Соҳибкор», «Чўянтепа Малиги», «Мўғол субҳидам» фермер хўжалиқлари раҳбарлари М.Турсунбоев, О.Мажидов ҳамда Ф.Очилов. - Ушбу кўргазма мобайнида сотиб олинаётган 71 минг АҚШ долларига тенг галла ўриш комбайнлари ҳамда 200 млн. сўмлик бошқа қишлоқ хўжалик техникалари эндиликда иш фаолиятимизни икки-уч бараварга кенгайтиришига шубҳамиз йўқ.



Жами 70 гектар ер майдонида чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштираётган гиждувонлик «Файз» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Файзиев ҳам бевосита кўргазма орқали Италиянинг BERTUZZI ҳамда ROSSI компа-



ниялари билан 24 минг АҚШ долларилек сут ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи техникаларни келтириш юзасидан олди-берди шартномаларини тузишди.

Экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар сирасига кирувчи ушбу маҳсул кўргазма шу йилнинг 10 ноябригача давом этиши мўлжалланган.

Гулшан ЮСУПОВА.



## ЎЗБЕКИСТОН ЧАКАНА БАНК БИЗНЕСИНИ БАҲОЛАЙДИ

Ўзбекистон банклари ассоциацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари банк ассоциациялари кенгаши – Халқаро банк кенгаши (ХБК) учун чакана бизнеснинг ривожланишини баҳолаш моделини тайёрлади.

Хусусан, ЎБА мутахассислари ХБКга аъзо давлатларда чакана бизнеснинг ривожланиш ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш жадваллари шаклини ишлаб чиқдилар. Ушбу маълумотлар Кенгашнинг Ўзбекистон банк конференцияси доирасида 2007 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида муҳокама қилинади.

Халқаро банк анжуманини Ўзбекистон пойтахтида ўтказиш ҳақидаги қарор ХБКнинг шу йил сентябр ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган эди. Мазкур мажлисда Кенгашга аъзо бўлган мамлакатларда ипотекани кредитлаш тажрибаси, тамойили ва унинг ривожланишини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинган, ЎБА бош директори Сайдулло Абдуллаев эса ХБК раҳбарияти таркибига кирган эди.

Сочида ўтган учрашув якунида МДХ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида кўчмас мулкни гаровга қўйиб, узоқ муддатли кредитлашни ривожлантириш юзасидан бўлиб ўтган фикр алмашув чоғида олинган материални Кенгаш аъзолари бўлмиш давлатларнинг банк тизимида кенг ёйиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

ЎБА шу йил апрел ойида ХБКга аъзо бўлди. Бу республика банк тизимининг молиявий воситаларни такомиллаштириш, банкларга доир қонунларни, банклараро хизматларни, товарлар, хизматлар ва сармояларнинг банклар томонидан кузатилишини бирхиллаштириш соҳасида Кенгашга аъзо мамлакатлар билан интеграциялашиш жараёнларини фаоллаштириш имконини беради.

Денис БОРОДИН.

## ЖАҲОН БАНКИ МАКТАБ ИСЛОҲОТИГА ПУЛ АЖРАТДИ

Жаҳон банки (ЖБ) директорлар кенгаши Ўзбекистон ҳукумати «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун 40 млн. АҚШ доллари миқдорига қарз беришни маъқуллади, деб хабар қилинди ЖБнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан.

Қарз маблағлари Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) ресурсларидан фойсиз кредит тарзида 35 йил муддатга, шу жумладан 10 йиллик имтиёзли даврга, 0,75 фойс воситачилик мажбуриятларини ва 0,75 фойс кредитга хизмат кўрсатиш ҳақини тўлаш шарти билан берилди.

Ушбу лойиҳа мактаб таълимининг замонавий усуллари жорий этиш, ўрта мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини ўқув-услубий материаллар ва ресурслар билан таъминлашга қаратилган. Лойиҳа 5 йилга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистоннинг бешта минтақасини қамраб олади.

ХТА маблағлари республика ҳукумати 2006-2007 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон билан ҳамкорлик оралиқ стратегияси доирасида берилди. Бу

стратегия техникавий ва таҳлилий қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини, шунингдек глобал хатарлар билан боғлиқ лойиҳаларни чекланган ҳажмда молиялашши ва ижтимоий хизматлар, хусусан базавий таълим соҳасидаги лойиҳаларни назарда тутади.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1995 йилда аъзо бўлган. Жаҳон банки таркибий ислохотларни амалга оширишда, шу жумладан хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш соҳасида Ўзбекистон ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда. ЖБ 1995 йилдан бери Ўзбекистонга 13 та лойиҳани амалга ошириш учун жами 679 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ва қарзлар берди.

## ҲАР СОНИЯ ҲИСОБДА

Ўзбекистон ҳукумати 1 ноябрдан бошлаб уяли алоқа хизматлари кўрсатишнинг янги қоидаларини жорий этмоқда, деб хабар беришди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) дан республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган тегишли буйруққа асосланган ҳолда.

Уяли алоқа тармоғи бўйича ҳақмиқдорини аниқлаш учун фойдаланиладиган боғланиш вақти чақириладиган абонент жавобининг ёки сигналли абонент жавобига тенглаштириладиган ускуна жавобининг 1-сониясидан бошлаб, чақириладиган ёки чақириладиган абонент ёхуд шундай ускуна билан алоқа узилган вақтгача ҳисобланади.

Шу билан бирга 5 сониядан кам давом этган боғланиш уяли алоқа хизматлари ҳажмига киритилмайди.

Бу ҳужжат уяли алоқа бозорида хизмат кўрсатиш қоидаларини бирхиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Шунга қарамай, агентлик баҳолашча, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган энг йирик уяли алоқа операторларининг деярли барчаси охириги икки ой мобайнида мустақил равишда сониялар бўйича тарифлашга ўтди.

Тасдиқланган қоидаларга кўра, уяли алоқа тармоғи бўйича боғланиш тарифлаш бирлигини оператор белгилайди, лекин у 1 дақиқадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Оператор томонидан белгиланган минимал ҳисоб бирликларида ўлчанган сўзлашув вақти тўлиқ бирликкача яхлитланади.

Уяли алоқа хизматларининг тарифи операторлар томонидан шартнома асосида мустақил белгиланади. Оператор боғланишларни тарифлаш қоидалари-

ни мустақил белгилайди. Бу қоидалар абонентнинг аҳолини мавжуд қоидаларга нисбатан ёмонлаштирмаслиги керак.

Ҳужжатда кўрсатилганидек, шартнома бекор қилинган ва/ёки уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатилган тақдирда абонент операторга мурожаат қилиб, бўнак тарзида тўлаган пул маблағларини қайтариб олишга ҳақли.

Бундай ҳолларда оператор пул маблағларининг фойдаланилмаган қолдиғини қайтариб беришга мажбур.

Ҳозир Ўзбекистонда олти уяли алоқа оператори рўйхатга олинган. Учта етакчи оператор жумласига «Ўздунробита» (76 фоизи Россиянинг МТС компаниясига қарашли), «UNITEL» МЧЖ («Вимпелком» ОАЖнинг 100 фоиз шўъба компанияси) ва Ўзбекистон-Америка «Coscom» ҚК (85 фоизи Американинг МСТ компаниясига қарашли) киради.

Уяли алоқадан фойдаланувчилар сони 2006 йил 1 сентябрда 1,93 млн. абонентга етди. 2005 йил якунлари бўйича эса абонентлар сони 1,15 млн. нафар эди. ЎзААА маълумотларига кўра уяли алоқа бўйича 1 дақиқа сўзлашувнинг ўртача баҳоси республика бўйича 2001 йилдаги 0,11 АҚШ доллари билан 2005 йил охирида 0,059 АҚШ долларига тушган.

## «MARVEL JUICE CO.» ОАЖ ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ УЧИНЧИ ЭМИССИЯСИНИ СЎНДИРИШГА КИРИШДИ

Газланган шарбат ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Marvel Juice Co.» ОАЖ умумий номинал қиймати 500 млн. сўм бўлган корпоратив облигациялар учинчи эмиссиясини сўндиришга киришди. Корхона раҳбарияти шу ҳақда хабар қилди.

риш қувватлари тўққиз номдаги 1,2 млн. дал мева ва сабзавот шарбатларини, 200 минг тонна мева бўтқасини ва 200 минг тонна концентратни ташкил этади.

2006 йил сентябр ойида Қозоғистоннинг «Шымкентпиво» ТОО корхонаси «Marvel Juice Co.» ОАЖ акциялар пакетининг 42,3 фоизини 3,66 млрд. сўмга сотиб олди. Хусусан, Қозоғистоннинг пиво

ишлаб чиқарувчи корхонаси «Marvel Juice Co.» ОАЖ қўшимча тарзда эмиссия қилган, номинал қиймати 483,9 минг сўм бўлган 7565 та акциясини сотиб олди.

Қўшимча эмиссия жойлаштирилганидан кейин «Marvel Juice Co.» ОАЖнинг устав жамғармаси 1,7 баравар кўпайиб, 8,66 млрд. сўмга етди.

Британиянинг «Frewar Investments Ltd.» компаниясининг улушли ишти-

роки анча камайиб, устав жамғармасининг 99,9 фоизидан 57,7 фоизгача тушиб қолган бўлишига қарамай, у корхонанинг энг йирик акциядоридир.

2005 йил якунлари бўйича «Marvel Juice Co.» ОАЖ кўрган зарар 1,771 млрд. сўмни ташкил қилди. Ҳобуки, у 2004 йилда 75 млн. сўм миқдорига соф фойда олган эди. Корхонанинг тушуми ўтган йили аввалги йилдагига қараганда 5,05 фоиз ўсиб, 6,636 млрд. сўмни ташкил қилди. «Marvel Juice Co.» ОАЖ активлари 2005 йилда 8,3 фоиз камайиб, 13,365 млрд. сўмни, шу жумладан айланма активлари 33,4 фоиз камайиб, 3,398 млрд. сўмни ташкил қилди. асосий маблағлари аввалги 6,019 млрд. сўм даражасида қолди. Корхонанинг ўз маблағлари 27,2 фоиз камайиб, 4,93 млрд. сўмга тушди, қопланмаган зарари 1,906 млрд. сўмга етди.

Материаллар «Туркистон-пресс» НАА томонидан тайёрланди.

## БАНА АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва  
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш «Заковат»  
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Таҳрир Кенгашининг раиси),

Қахрамон Рофиев

(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Таҳрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА,

«Иқтисодий ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

131-13-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ф. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуктаи назари таҳририятнинг нуктаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-1304

Тираж 5255 нуска.

Босишга ружусат этилди

31.10.2006 й.